

## ҚАНДЛИ ДИАБЕТ – МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИНГ АСОСИЙ КОМПОНЕНТИ



**Оқбаев Мехрилла Баҳридинович**

Самарқанд давлат тиббиёт университети

**Якубова Чарос Низомиддин қизи**

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Фундаментал тиббиёт йўналиши 201- гурӯҳ талабаси

### АННОТАЦИЯ.

Қандли диабет метаболик синдромнинг асосий ва энг муҳим таркибий ҳисобланадиган компоненти. Унинг патогенезида инсулин резистентлиги ва гипергликемия етакчи роль ўйнайди. Углевод алмашинувининг бузилиши семириш, артериал гипертония ва дислипидемия каби синдромнинг бошқа белгилари ривожини кучайтиради. Қандли диабет метаболик синдром таркибида мавжуд бўлган ҳолларда юрак-қон томир касалликлари ва диабетик асоратлар хавфи кескин ошади. Шу боис, унинг эрта ташхиси, аниқ диагностика мезонлари ва комплекс профилактик чора-тадбирлари катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Қандли диабет, метаболик синдром, инсулин резистентлиги, гипергликемия, юрак-қон томир касалликлари.

Метаболик синдром – бу инсон саломатлиги учун юқори хавф туғдирадиган патологик ҳолатлар мажмуаси бўлиб, унинг асосий патогенетик механизми инсулин резистентлиги ҳисобланади. Ушбу синдром турли клиник ва метаболик бузилишларни ўз ичига олади: семириш, айниқса висцерал тури, артериал гипертония, липид алмашинувининг бузилиши ҳамда 2-тур қандли диабет. Улардан энг асосий ва марказий компонент сифатида қандли диабет эътироф этилади, чунки у углевод алмашинувининг бузилишини чуқурлаштириб, синдромнинг бошқа клиник кўринишларини ҳам кучайтиради.

Метаболик синдромнинг асосий механизми – инсулин резистентлиги бўлиб, тўқималарнинг инсулинга жавоб реакцияси пасайиши билан тавсифланади. Бу ҳолат қонда глюкоза даражасининг ошишига олиб келади. Панкреас β-хужайралари узоқ вақт юқори юклама остида ишлаб, чарчайди ва уларнинг инсулин секрецияси сусаяди. Натижада гипергликемия кучаяди. Қонда узоқ муддатли глюкоза юқори даражада сақланиши микроангиопатия ва макроангиопатия жараёнларини келтириб чиқаради, бу эса юрак-қон томир тизими ҳамда буйракларда структуравий ва функционал бузилишларга сабаб бўлади [2, 3, 5].

Метаболик синдром ва қандли диабетнинг энг асосий белгиси – қонда глюкоза даражасининг ортиши. Шу билан бирга, семириш, айниқса висцерал ёғ тўпланиши клиник жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади. Артериал қон босимининг кўтарилиши (гипертония) синдромнинг муҳим компоненти сифатида юрак-қон томир хавфини оширади. Липид алмашинувининг бузилиши – гипертриглицеридемия, умумий холестерин ва паст зичликдаги липопротеидлар даражасининг ортиши, юқори зичликдаги липопротеидлар миқдорининг камайиши – атеросклеротик жараёнларни тезлаштиради. Ушбу комплекс ўзгаришлар инфаркт, инсульт ва қон томирлардаги склеротик ўзгаришлар хавфини сезиларли даражада кўпайтириб, метаболик синдромни юрак-қон томир касалликлари учун асосий хавф омилига айлантиради.

Қандли диабетнинг метаболик синдром таркибида мавжудлиги bemорларда юрак-қон томир касалликлари ривожланиш эҳтимолини бир неча марта оширади. Инфаркт миокарда, мия қон айланишининг ўткир бузилишлари (инсульт), атеросклероз ва периферик артерия касалликлари кўп учрайди. Шунингдек, диабетнинг ўзига хос асоратлари – диабетик нефропатия (буйрак заарланиши), ретинопатия (кўз тўр пардасидаги ўзгаришлар), невропатия (асаб тизимининг заарланиши) ва микроангиопатиялар метаболик синдром билан бирга келганда оғирроқ кечади. Ушбу асоратлар bemорларнинг ҳаётини прогнозини ёмонлаштиради ва инвалидликка олиб келиши мумкин.

Қандли диабетни аниқлаш учун қатор күрсаткичлар қўлланилади. Ашқор қонда глюкоза даражаси 7,0 ммоль/л дан юқори бўлиши диагностика учун муҳим. Шу билан бирга, гликозилланган гемоглобин ( $\text{HbA1c} \geq 6,5\%$ ) ҳам қўшимча мезон ҳисобланади. Глюкоза толерантлик тестининг бузилиши ҳам диабет ташхисида қимматли маълумот беради. Ушбу кўрсаткичлар асосида bemorda қандли диабет мавжудлиги ва унинг метаболик синдром билан боғлиқлиги аниқланади.

Қандли диабет ва метаболик синдромнинг профилактикаси ҳамда даволаши турмуш тарзи билан узвий боғлиқ. Аввало, соғлом овқатланиш муҳим: ёғли таомлар ва тез углеводларни чеклаш, сабзавот, мева ва толали маҳсулотларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Шу билан бирга, жисмоний фаолликни ошириш – кунлик пиёда юриш, спорт билан шуғулланиш ортиқча вазнни йўқотишга ёрдам беради.

Даволаш жараёнида эса диета ва турмуш тарзини ўзгартириш биринчи ўринда туради. Кон шакарини назорат қилувчи дори воситалари, хусусан метформин, самарали ҳисобланади. Шунингдек, кон босимини ва липид алмашинувини меъёrlаш учун комплекс терапия қўлланилади. Афзаллик томонлари шундаки, қандли диабетни эрта аниқлаш орқали метаболик синдромнинг оғир асоратлари олдини олинади ва ташхисни ишончли қўйиш осонлашади. Бироқ, чекловлар ҳам мавжуд: диабет белгилари баъзан кеч намоён бўлиб, диагноз қўйиш кечикиши мумкин. Бу ҳолат асоратларни кучайтиради [1, 4].

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қандли диабет метаболик синдромнинг асосий ва марказий компоненти ҳисобланади. Унинг асосида ётган инсулин резистентлиги қонда глюкоза миқдорини ошириб, углевод ва липид алмашинувида жиддий бузилишлар келтириб чиқаради. Бу ҳолат метаболик синдромнинг бошқа белгилари — семириш, гипертония ва дислипидемия ривожини ҳам кучайтиради. Шу боис, диабетни эрта ташхис қилиш ва ўз вақтида даволаш нафақат қандли диабетнинг ўзи, балки метаболик синдром тифайли

пайдо бўладиган юрак-қон томир ва бошқа асоратларни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Профилактика, соғлом турмуш тарзи ва комплекс терапия энг самарали чоралар ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Okbayev M.B., Boykuziyev X.X. Metabolik sindrom va oshqozon ichak nayining ba'zi morfologik xususiyatlari. "Zamonaviy morfologiyaning dolzARB masalalari" Mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy Konferensiya 11-12- dekabr 2024 – yil
2. Shavkatovich A. D. et al. Metabolik sindrom (semizlik) oshqozon shilliq qavatining o'ziga xos patomorfologiyasi //Лучшие интеллектуальные исследования. – 2025. – Т. 38. – №. 4. – С. 31-35.
3. Каландарова У. А. Метаболик синдромнинг асосий компонентлари тоифаларига боғлиқ бўлган охирги нуқталар шаклланишини солиштирма баҳолаш. – 2020.
4. Окбаев М.Б., Бойкўзиев Х.Х. Метаболик синдром ва унинг нейроэндокрин механизми. Биология ва тиббиёт муаммолари 2025, №3.1 (162), 251-253.
5. Очилова Д., Рузиев О., Ражабова Г. Распространение основных компонентов метаболического синдрома //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2015. – №. 2 (83). – С. 83-86.